

30

О'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакуртан
Самаркандской области
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks. (836645) 6-1001

2016 у.г. « 7 » апрел

№ 222-18

Каттақо'рг'он ш. – г. Каттақуртан

“Каттақўрғон шаҳар Шавқий кўчасида савдо дўкони қуришга рухсат бериш ҳақида”

Каттақўрғон шаҳар ҳоқими номига Ифтихор кўчаси 8 уйда яшовчи фуқаро Шадманов Саматджон Халмуратовичнинг 2016 йил 11 февралда 5/109 рақам билан рўйхатдан ўтган аризасини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455 сон Фармони бажариш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ягона қурилиш регламенти тизимини шакллантириш тўғрисида”ги 229-Қ сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги қарорларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик ва Ер кодексларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳоқимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш ҳақида”ги 97-сон қарори асосида Каттақўрғон шаҳар Ифтихор кўчаси 8 уйда яшовчи Шадманов Саматджон Халмуратовичга тегишли Алишер Навоий кўчасида жойлашган биноси бузилиши муносабати билан Шавқий кўчасида жойлашган, шаҳар ҳоқимлиги захирасидаги фойдаланилмай турган 30 кв.метр ер майдонида бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда савдо дўкони қуришга рухсат берилсин.
3. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими (О.Розиқов) ҳамда Каттақўрғон шаҳар “Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр” давлат корхонаси (Қ.Негматов) зиммаларига юклатилсин.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни шаҳар ҳоқимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳоқими

Ш.Рахмонов